МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 2-sentabr, 2009-yil ● №38 (640) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz


ҚИШЛОҚЛАР ОБОД БЎЛСА, ЮРТ ГУЛЛАР БЕШАК



Юртбошимизнинг жорий йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», деб эълон қилгани бежиз эмас. Қишлоқларимиз нафақат замонавий таълим масканлари билан, балки аҳолининг саломатлигини сақлаш мақсадида қурилган қишлоқ врачлик пунктлари, янги савдо расталари ҳисобига ҳам обод бўлмоқда.

➪ 3-бет

ОМОНХОНА СУВИ — ҲАЁТ МАЛҲАМИ



Кексаларнинг нақл қилишларича, маҳаллий одамлар юқумли касалликлар билан умуман оғримаган. Улар орасида гепатит (сариқ) касаллиги у ёқда турсин, ҳатто ошқозон-ичак касаллиги билан ҳам бу ерда истиқомат қилувчилар орасидан ҳеч ким рўйхатга олинмаган. Ҳатто ана шу хасталиклар билан бирор киши шифохонага тушиш у ёқда турсин, яқин 20-30 йил ичида ҳеч ким шифокорга мурожаат ҳам қилмаган.

➪ 5-бет

1897 ЙИЛ ЧОРСУДА

Тошкент кўчаларида ўша пайтларда ҳам ижод жўш урганидан дарак берувчи яна бир ҳикояни келтирайлик. Хўжа Насриддин ролини ўйнашдек шарафли, лекин жуда масъулиятли вазифани бажариш йўлида кўп изланган актёр Лев Свердлин ўзбекча рақс тушишни, ашула айтишни, аскияда иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.



➪ 8-бет

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 18 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Барчангизни Ватанимиз тарихидаги буюк сана – Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий табриклаб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва меҳр-муҳаббатимни билдиришдан бахтиёрман.

Азиз дўстлар!

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, озодлик ва эркинликка, ўз тақдирини ўз қўлига олишга интилган дунёдаги биронта халқ мустақиллик деган улуғ ва бебаҳо неъматни, сиёсий ва иқтисодий тобелик ва қарамлик занжирларидан озод бўлишни ҳеч қачон осонлик билан қўлга киритгани йўқ.

Бу азалий ҳақиқатни биз ўз тарихимизда англадик, бошимиздан ўтказдик.

Биз бундан 18 йил олдин халқимиз асрлар бўйи орзиқиб кутган миллий истиқлолимизни эълон қилиб, ўтган давр мобайнида эзгу орзуумидларимизга эришиш йўлида элюртимиз қанча-қанча узилиш ва азоб-уқубатларни, қанча-қанча етишмовчиликларни, бир сўз билан айтганда, қандай оғир ва машаққатли синовларни бошидан кечирганини бугунги ва келажак авлодлар ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги муқаррар.

Бугун мана шундай улуғ ва ҳаммамиз учун ҳақиқатан ҳам азиз айём арафасида босиб ўтган йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, ўз куч-қудратимиз ва салоҳиятимизга суяниб, ўзимизга хос ва ўзимизга мос тараққиёт йўлини танлаб олганимиз, шу унутилмас йилларда мардлик ва матонат, чидамлилик ва бағрикенглик кўрсатиб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати билан жаҳон аҳли эътироф этаётган ютуқ ва марраларга эришаётганимиз барчамизга ғурур ва мамнуният етказади, албатта.

Юртимизда янги жамият барпо этишда биз танлаган ва босқичма-босқич, изчил амалга ошираётган ислоҳотлар модели айни шу кунларда, яъни бутун дунё бошидан кечираётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида амалда нақадар тўғри эканини ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Бунинг яққол исботи охирги йилларда ва шу йилнинг ўзида иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиб, янги марраларга кўтарилиб, юртимизнинг қиёфаси тобора ўзгариб, янада обод бўлаётганида, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси, ойлик ва даромадлари узлуксиз юксалиб бораётганида ёрқин намоён бўлмоқда.

Ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, мақсадлари ўзгариши билан халқимизнинг, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, фикрлаши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётганини ва бундай ижобий ўзгаришлар бугунги ва эртанги ютуқларимизга мустаҳкам замин туғдираётганини катта мамнуният билан таъкидлаймиз.

Ўтган давр мобайнида кўпни кўрган, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз ҳақиқий мустақилликка эришиш, истиқлолимизни ҳар қандай хуруж ва ғаразли, ёвуз ҳаракатлардан ҳимоялаш йўлидаги машаққатли курашларда тобланди.

Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётнинг қадр-қимматини, минтақамизда миллатлар ва динлараро тотувликни асраш ва мустаҳкамлаш нақадар муҳим эканини чуқур англаб етди.

Мухтасар қилиб айтганда, ўтган давр мобайнида бошимиздан кечирган қийинчилик ва синовлар қанчалик оғир бўлмасин, биз уларнинг барчасига мардона бардош бериб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик.

Ва ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, шу муқаддас заминимизда яшаётган барча инсонлар учун ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Азиз юртдошлар!

Бугун мана шу юксак минбарда туриб, 18 йил давомида бизга хайрихоҳ бўлиб, бизни қўллаб-қувватлаб, ёрдам ва мадад бериб келаётган дўсту биродарларимизга, биз билан самарали ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва халқларга миннатдорлик билдириб, қизғин саломларимизни йўллашга, уларга бахт ва равнақ тилашга рухсат бергайсиз.

Бизнинг бугунги тантанамизда қувончимизга шерик бўлаётган юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча азиз меҳмонларимизга юракдан чиққан олқишларимиз билан ўз ҳурмат-эҳтиромимизни изҳор этсак, айни муддао бўлади.

Мана шундай ёруғ кунларга етиб келишда ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилган, Ўзбекистоннинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келаётган барча-барча юртдошларимизга, мўътабар кексаларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан ташаккур билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Айни пайтда доимо латофат ва гўзаллик, вафо ва садоқат тимсоли бўлган, ҳаётимизни эзгулик ва меҳр нури билан чароғон этиб келаётган мунис аёлларимиз, опа-сингилларимизни самимий қутлаб, уларнинг барчасига сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларига файзу барака тилайман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навқирон азму шижоатини намоён этиб ўтирган ўғил-қизларимизни, ҳақиқатан ҳам эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган бутун мамлакатимиз ёшларини, уларга таълим бераётган устоз-мураббийларни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Юрт учун, эл учун, бизнинг эртанги буюк келажагимиз учун ҳеч қачон, ҳеч қаерда бўш келманг, азиз фарзандларим!

Барчангизни Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик қутлуғ байрами билан яна бир бор табриклайман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ФАХР



АЖДОДЛАРИМ ТАҚДИРИДА

Она Ватанимиз юраги — Тошкент қутлуғ 2200 ёшда. Ватанимизда катта тўй. Болалик пайтларим Ватан ҳақида катталарга кўп савол берардим. Отамнинг бу ҳақидаги таърифи анчайин мураккаб бўларди.

Онам эса менга содда қилиб тушунтирмоқчи бўларди: «Мана тасаввур қил, сен узоқ бир мамлакатга бординг. У ерда меҳмонсан. Лекин айтгин-чи, сен ўзингни ўша ерда худди уйингдагидек, шу кўчамиздагидек, шаҳримизда юргандаги сингари эркин, бахтиёр ҳис қила оласанми? Инсон фақат ўзи туғилиб ўсган жойдагина, ўз Ватанида ҳақиқий бахтиёр бўла олади».

Бугун Ватанимиз пойтахти Тошкент кўчаларидан юрганимда шулар ҳақида ўйлайман. Чунки мен шу шаҳарда туғилдим, улғайдим. Ўз келажагимни ҳам фақат шу шаҳар, унинг камоли билан боғлиқ равишда кўришни орзу қиламан.

Шоирларимиз Тошкентни дунёнинг энг гўзал шаҳарлари – Париж, Рим, Лондон, Венеция, Афинага қиёслайдилар. Инсониятнинг юксак тафаккури, ақл-заковати ҳосиласи ҳисобланадиган бу қадим шаҳарлар қаторида бизнинг Тошкентимиз ниҳоятда қисқа давр — мустақилликнинг ўн саккиз йилида тамомила қайта қурилгани, ниҳоятда гўзаллашгани ва чирой очгани билан ажралиб туради.

(Давоми 2-бетда.)

СУРУР

БУ КУНЛАР


Йиллар ўтиб – шу буюк элда
Ўз баҳосин олар бу кунлар.
Ҳурман деган ҳар битта дилда
Ажиб созин чалар бу кунлар!

Шафақ ёнар уфқда ял-ял
Биз тонгларни кутамиз маҳтаб.
Энг ёруғ тонг – Истиқлол, аввал
Сени ёдга солар бу кунлар!

Қайтмас энди қуллик, ҳижрат, оҳ,
Эним, бунга ўзингга гувоҳ,
Юрт сурурин кўрибми, тоҳ-тоҳ
Ҳаяжондан толар бу кунлар!

Набиралар кўзида ҳавас,
Эътикорлар эслаб бир нафас...
Бизлар учун шунинг ўзи бас,
Тарих бўлиб қолар бу кунлар!

Мирпўлат МИРЗО



ДУНЁ СИЁСАТИ

Японияда умумхалқ сайлови



Японияда ўтган умумхалқ сайловида Демократик партия ғалаба қозонди. Ҳозирги пайтда ҳукумат раҳбарлиги ва аъзолигига партиядан номзодлар кўрсатиш учун музокаралар бошланди.

30 август куни бўлиб ўтган сайловда Демократик партия вакиллари парламент қуйи палатасидаги 480 ўриннинг 308 тасини эгаллашга муваффақ бўлишди. Шу пайтга қадар мамлакатдаги биронта партия сайловда 300 тадан кўп ўрин ололмаганди. Ҳозирда ҳукумат тепасида турган Либерал демократик партия вакиллари сайловда бор-йўғи 119 та ўрин олишди, холос. Улар шу пайтгача қуйи палатада 300 та овозга эга эди.

ИТАР-ТАСС хабарига қараганда, демократлар ягона ҳолда ҳукуматни тузишлари мумкин. Амалдаги бош вазир, Либерал демократик партия етакчиси 68 ёшли Таро Асо истеъфога чиқишини билдирди. Аммо у сентябрнинг ўрталаригача, яъни парламентнинг фавқулодда сессияси демократлар йўлбошчиси Юкио Хатоямани бош вазирликка сайлагунча ушбу вазифани бажариб туради.

(Дунё хабарларининг давоми бешинчи саҳифада)

5 »

ФЕСТИВАЛЬ

Самарқанд жозибаси

ёки юртимизда еттинчи бор ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа байрами ҳақидаги таассуротлар

Гапни ўзбекона удумдан бошлайлик. Нуфузли анжуманга жиддий тайёргарлик кўрилди. Шаҳар қиёфаси янада чирой очиб, бутунлай ўзгарди, десак муболаға бўлмайди. Фавворалар, боғлар яратилди. Регистон майдонида тарихий обидаларга мос тушмаган дўконлар ва бошқа бинолар бошқа ерга кўчирилди. Кўча ва хиёбонларда етти иқлимдан олиб келиб етиштирилган анвойи гул ва дарахтлар атрофга жаннатий кўрк бағишлайди. Меҳмонхоналарда сервиснинг янги турлари жорий этилди. Масалан, хорижлик меҳмонларга бўлиб ўтган барча фестивалларда ижро этилган қўшиқлар видеотасмаси совға қилинди.

Яна бир нарса. Ўтган гал хитой тили бўйича тилмоч пойтахтдан чақиртирилган эди. Бу сафар Самарқанд чет тиллар институти, «Ўзбектуризм» миллий компанияси вилоят бўлими барча меҳмонларни етарли даражада тилмоч ва йўл бошловчи билан таъминлади. Автотранспортда муаммо бўлмади. «Ҳунарманд» ва «Уста» бирлашмалари меҳмонларга миллий ҳунармандчиликнинг юздан ортиқ, яъни айнан фестивалга бағишланган маҳсулотларини тавсия этди. Дарвоқе, хорижлик санъаткорлар вилоят «Қовун сайли»да ҳам қатнашдилар. Заминимизнинг мўъжизакор неъматларига маҳлиё бўлиб, фольклор дасталарининг чиқишларига тасанно айтишди .

Кувайтлик Бандар Обиднинг фестивалга учинчи бор келиши. Ўтган сафар унинг жамоаси иккинчи ўринни олганди.

— Биз Самарқандни севиб қолдик, — дейди меҳмон. — Икки йилга етадиган таассурот олиб кетамиз. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, бағрикенглигига офарин. Менимча, бунақа осойишта, тинч-тотув, маърифатга ташна юрт дунёда ягона бўлса керак.

Вьетнамлик «Коан – хо» этнографик ансамбли раҳбари До Хонг Куан 1997 йилда биринчи фестивалда иштирок этган.

8 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ТОШКЕНТ — АЖДОДЛАРИМ ТАҚДИРИДА

(Бошланиши 1-бетда.)

Жаҳон киноси юлдузларидан бири — ҳинд кинорежиссёри Раж Капурнинг фарзанди бундан икки йил аввал Тошкентга ташриф буюрганида, шаҳримизни умуман танимай қолгани, у замонавийлик жиҳатидан дунёнинг унча-бунча шаҳарларига тенглашаётгани, ҳурматли меҳмоннинг ҳайратини оширгани ҳақида ўқиган эдим. Мен бу иштибоҳларга қўшимча қилиб айтгим келадики, пойтахтимизни бошқа шаҳарлардан ажратиб турадиган яна қатор муҳим жиҳатлари бор. Бу, биринчидан, унинг тўрт фаслда ҳам қуёши порлаб турадиган осмони бўлса, иккинчиси шу қуёшдан нур олган унинг олижаноб, қалби очиқ, бунёдкор халқидир.

Бу шаҳар менга яна шунинг учун ҳам ардоқлики, унда менинг аждодларим яшашган. Шаҳарнинг ҳар бир қарич ерида уларнинг қадамлари, нафаслари яшайди. Қаерда бўлмай, нималар ҳақида ўйламай, бу туйғулар менга ҳамиша ҳамроҳ.

Бир куни буважоним (онамнинг отаси) билан гаплашиб ўтирганимизда Тошкент унинг болалигида қандай бўлгани ҳақида сўрадим. Шунда у «Бизнинг ҳовлимиз Чиғатой дарбозада бўлса-да, Чимбойдан нарига ўтмасдик. Ҳозирги «Талабалар шаҳарча»си тўқайзор ерлар бўларди. У ерларга катталар ҳатто кундуз куни ҳам боргани қўрқишарди», деб қолди.

Сўнг иккимиз мен дунёга келган Ўзбекистон Педиатрия илмий-текшириш институтига бордик. Буважоним ўшанда менга бундан олтмиш йил илгари бошидан ўтган бир воқеани сўзлаб берганди.

Кунлардан бирида саккиз-тўққиз ёшлардаги буважоним (бу 1937-1938 йилларга тўғри келади) онасига араз қилиб уйидан чиқибди-ю, йиғлаб йўлга тушибди. Бироздан сўнг шаҳар ортда қолиб, қамишзорлар бошланибди. Қамишзорлар орасидан кетаверибдилар-кетаверибдилар. Бир пайт ёдига оналаридан эшитгани: «У томонларда бўри, тулки, ҳатто йўлбарслар бўлади» деган гапи тушибди-ю, орқасига қайтмоқчи бўлибди. Лекин минг афсуски, тўрт томон қамишзор, келган йўлини тополмай қолибди. Бунинг устига қоронғу тушаётган экан. Хуллас, йўлини зўрға топиб, уйга қайтган экан.

Ҳозирда бир ёни Қорақамиш ва Олимпия массиви, яна бир томонидан Профессорлар шаҳарчаси билан туташиб кетган (бу ерлар 50-йилларга келиб Хотинкўприк деб аталган ди.

Дарҳақиқат, китобларда ўқиганим — Чоч, Шош, Бинкат, Банокат сингари номлар билан аталган гўзал шаҳрим бошидан ўтмишнинг не-не синовлари, жабру жафолари кечмаган дейсиз. Олис тарихнинг гувоҳлик беришича, қадимги Чочнинг пойтахти Бинкат шаҳри (ҳозирги Эски шаҳар ҳудуди) бўлган. Шаҳар азалдан металсозлар шаҳри сифатида ҳам довруғ қозонганлиги, ҳамма моқда. Менинг назаримда, шаҳримизнинг энг кўзга ташланадиган жиҳатларидан бири унинг кенг ва равон кўчаларидир. Бувим илгари бозорга тушиб чиқиш учун бир неча соат кетгани, бунда автобус Эски шаҳарнинг паст, тор кўчаларидан қийналиб, узоқ муддатда манзилга етказгани ҳақида сўзларкан, бугунги Сағбон йўлининг афзалликларига шукроналар ўқийдилар.

Бувим билан Чорсу буюм



экан) бу жойларда бугун олий ўқув юртлари, касалхоналар, маиший хизмат уйлари, мактаб, коллежлар қад ростлаган. Ҳамшаҳарларимиз ўзларига ниҳоятда кўркам, ҳашаматли уй-жойлар қурмоқдалар.

Қолаверса, тарихий манбаларда, жумладан, Абу Райхон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк боболаримиз ёзиб қолдирган асарларда Тошкентнинг нафақат қадимий шаҳар эканлиги, балки бу кент дунёдан келадиган катта карвонлар тўхтайдиган йирик савдо-сотиқ ва маданият марказларидан бири бўлиб келганлиги қайд этилаёқда айниқса Чочий камонларининг маълуму машҳур бўлганлиги кўп нарсаларни билдиради.

Мен тарихчи эмасман, аммо бугунги кунда ҳам юртдошларимиз севиб тилга оладиган жонажон шаҳримизнинг Кўкча, Мингўрик, Кўйлиқ, Чиғатой сингари жойлари ўша IX-X асрлардаёқ бўлганлиги, бу манзилларда савдо-сотиқ гуллаб яшнаб, ҳунармандчилик, шишасозлик каби соҳалар ривож топганлиги тарихий фактдир.

Бугун Тошкент дунёдаги манаман деган катта шаҳарлар билан бўйлаша олади.

Айниқса, Эски шаҳар кўз ўнгимизда гўзаллашиб бор-

бозорига тушганимизда илгари бу ерлар нақадар қаровсиз бўлгани, ундаги «Спартак» номли стадион ҳамиша ҳувиллаб, бўм-бўш ётишини ҳикоя қилиб берди.

Мавжуда бувим бой авлодидан бўлгани, қариндошларининг баъзилари «қулоқ» қилиб юборилганини билардим. Аммаларининг қизи – Ҳожия опа саводли, замонавий аёл бўлган экан.

Мени ҳайратга солгани, умрининг охиригача саводи чиқмаганига қарамай, Мавжуда бувим фарзандлари томонидан рўшнолик, меҳр-мурувват кўрмаган бу аёлни ўз қарамоғига олади. Ҳаётининг охиригача ўша кунлар ҳақида уларга эслатмайди.

Тошкент – ана шундай мурувватли, орияти кучли, андишали одамларнинг бешигини тебратган.

1865 йили Тошкентнинг Россия империяси томонидан босиб олинганидан сўнг то истиқлолга эришгунимизча унинг бағрида икки хил – бири замонавий уйлари билан Янги шаҳар, иккинчи томондан – лойсувоқдан қурилган пастқам уйлару тор кўчалардан ташкил топган Эски шаҳар пайдо бўлган эди. Эски шаҳар пойтахтнинг жуда катта ҳудудини эгаллаганига қарамай, то мустақилликкача гўё уни биров унутгандек эди. Эски шаҳарнинг ана шундай жойларидан бири Хастимомда Тошкентимизнинг 2007 йили жаҳондаги минглаб шаҳарлар орасида «Ислом маданиятининг пойтахти» деб эълон қилиниши муносабати билан ҳазрати Имом мажмуаси қад кўтарди. Мен ўйлайманки, бу ҳам Ватанимиз тарихида катта воқеадир. Негаки, бугунги кунда пойтахтимизга оқиб келаётган юз минглаб меҳмонлар бугун айни шу гўшага талпинмоқдалар.

Куни кеча эса шаҳримизда жуда қисқа вақт ичида қурилиб бунёд этилган яна бир гўзал, бетакрор иншоот — "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройини телевизорда кўрсатишди.

"Ойнаи жаҳон" орқали Юртбошимизнинг ҳар бир сўзларини, шаҳримизни янада обод, мафтункор шаҳарга айлантириш кераклиги ҳақидаги сўзларини диққат билан эшитдим.


Рости, жудаям қувониб, севиниб кетдим!

Мустақиллигимизнинг шарофати билан Ватанимиз фахрифтихори бўлмиш — Тошкент шу қадар чирой очиб бормоқдаки, ғурурланмай бўлмас.

Пойтахтимиз кўчаларидаги бир нафас тиним билмас шиддатли ҳаёт оқимига қарамай, ўз хаёллари билан сайр этиб юрган лайлакларга кўзим тушганида эса, тинчлик, осойишталик, бахтли ҳаёт она шаҳримизга яна кўп минг йиллар давомида ёр бўлиши насиб этсин деган ўй мени сира тарк этмайди.

Чарос БАҲРИЕВА

"TOSHSHAHARTRANSXIZMAT" UYUSHMASI ЖАМОАСИ



жаннатмонанд юртимиз аҳли ва меҳмонларини яқинлашиб келаётган Энг улуғ ва энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 18 ЙИЛЛИГИ тантанаси ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 ЙИЛЛИК юбилейи билан самимий табриклайди.

Азизлар, хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, қалбингизни қувончу шодлик ҳеч қачон тарк этмасин!









БАЙРАМГА ТУҲФА

Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрамига туҳфа сифатида кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, аҳоли зич яшайдиган ҳудудларидан бири Қиличбой қишлоғида ҳам маданий-маиший хизмат объектларини барпо қилишга жиддий эътибор қаратилган. Яқинда ажойиб тўйхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тантанали маросимда туман ҳокими Ражаббой Йўлдошев иштирок этиб, қишлоқ аҳлини истиқлол айёми муносабати билан самимий табриклади.

Гойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

СИҲАТГОҲ ИШГА ТУШДИ

Навоий вилоятининг Хатирчи туманида 80 ўринли республика Касаба уюшмалари Федерацияси Курортлар бошқармасига қарашли "Олтинсой" сиҳаттоҳи ишга тушди. Бу масканда 60-75 даражали табиий иссиқ сув 90 дан ортиқ турдаги касалликларга чалинган беморларнинг шифо топишларига асқотиши мумкин. Сиҳаттоҳ хоналари замонавий жиҳозланган. Ушбу дам олиш муассасаси навоийликларга мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллигида муносиб совға бўлди.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

МУЗРАБОТДА ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Мустақиллик байрами арафасида Музработ туманида — "Сурхонғиштқурилиш" корхонасига қарашли янги ғишт заводи ишга тушди. Йилига 25 миллион дона пишиқ ғишт тайёрлаш қувватига эга бўлган корхонада айни пайтда 120 киши меҳнат қилмоқда.

Байрам арафасида туманда фойдаланишга топширилган яна бир муҳим ишлаб чиқариш объекти — "Музработтрикотаж" масъулияти чекланган жамияти одамлар ҳаётида муҳим янгилик бўлди. Негаки, шу пайтгача туманда шунга ўхшаш замонавий корхона тугул, ҳатто оддий тикувчилик цехи ҳам мавжуд эмасди. Айни пайтда бу ерда иш бошлаган 70 нафар маҳаллий йигит-қизлар ишлаб чиқараётган трикотаж маҳсулотларига нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта.



Яна бир янгилик: тумандаги ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган "Шариф-Н" хусусий корхонасига 487 млн. сўмлик энг сўнгги русумдаги дастгоҳлар ўрнатилиб, қадоқланган ўсимлик ёғи тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, "Деҳиболаназари", Х.Хўжаев номли, "Шўроб", "Наврўз" маҳаллалари ҳамда "Халқобод" қўрғонида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" давлат дастури асосида маданий-маиший, савдо шохобчалари, сервис хизмати нуқталари, бир сўз билан айтганда, жами 214 млн. сўмлик янги объектлар қуриб фойдаланишга топширилди.

Даврон ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири.

КОРХОНА ҲУЗУРИДАГИ КИЧИК КОРХОНА

"Шўртаннефтгаз" унитар шўъба корхонаси мамлакатимиз ёқилғи энергетика саноати тизимидаги гигант корхоналардан бири саналади. Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган мазкур жамоада 2500 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

Йил бошида ем-хашак мўл бўладиган Ғузор туманининг Чуқурсой даштида корхонанинг ёрдамчи хўжалиги ташкил этилиб, бу ерга корхона маблағи ҳисобидан Украинадан 591 бош зотли қорамол келтирилган эди. Маҳаллий шароитга мослашган сигирлардан айни пайтда кунига 5 минг литрга яқин сут соғиб олинаяпти. Корхона ишчи-хизматчилари ва корхона тасарруфидаги "Шўртанқалдирғоч" болалар оромгоҳига ёз мавсумида бериладиган сут-қатиқ маҳсулотлари ёрдамчи хўжалик ҳисобидан қопланди.

— Зотдор моллар маҳсулдор, лекин шунга яраша ташвиши ҳам бор, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Акбар Маматқулов. — Парваришлаш жараёнлари аниқликни, эътиборни талаб этади.

Чорва молларидан олинаётган сутни тайёр маҳсулотга айлантириш кун тартибига қўйилган. Айни пайтда Россия давлати билан шартнома тузилиб, Москва шаҳридан 20 тонна сутни қайта ишлаб, 9 хил маҳсулот тайёрлайдиган кичик завод технологияси олиб келиб ўрнатилмоқда.

Гулом АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЙИЛЛАР МАЗМУНИ

ҚИШЛОҚЛАР ОБОД БЎЛСА, ЮРТ ГУЛЛАР БЕШАК

Ҳар гал қишлоққа йўл олар эканман, қуёш кўтарилмай ўт оладиган тандир-ўчоқлар, сут таъми келадиган ширмойи нонлар, кетмонни дўстидек ардоқлаган бободеҳқон кўз ўнгимда гавдаланади. Қишлоқнинг содда, боладек самимий одамларининг қувонч-у ташвишлари хусусида ёзиш, улар билан суҳбат қуришга имкон пайдо бўлганини ўйласам, кўнглим тоғдек кўтарилади.

Бугун фазли ўлкамизнинг ҳар бир қишлоғи-ю, овули ўзгача тароватга эга. Қишлоқларда ҳам шаҳарлардагидек шарт-шароитларнинг яратилаётганини кўриб, кўзимиз қувонади. Туғилиб ўсган гўшасини дунёнинг энг гўзал шаҳрига ҳам алмашмайдиган «қишлоқни шаҳар қиламан», дея улкан орзу-мақсадлар билан яшаётган ёшларнинг шижоатига қойил қолса бўлади. Бугун улар тупроқ кўчаларни кечиб, от аравада мактабга қатнамайдилар. Оиласининг ҳеч бир аъзоси «колхозчи» эмас. Фермерликка кенг йўл очилиб, ерлар ўз эгаларини топган. Энди қишлоқдаги кўпчилик ишбилармон, фермер ва тадбиркорлар катта-кичик корхоналар бунёд қилишяпти. Ёшларга янги иш ўринлари очилаётир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар кўлами ҳам ҳар бир қишлоқ мактабига кириб борди. Таълим соҳасининг барча босқичлари ислоҳ этилиб, истеъдодли ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Узоқ йиллардан бери қишлоқ мактабида бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бериб келаман. Аввалари болаларнинг савод-хонлигини ошириш учун саноқ чўплардан ёки оддий чўт доналаридан фойдаланардик. Ҳозирга келиб ёшларнинг билим олишлари учун яратилган шарт-шароитларни кўриб ҳавасим келади, — дейди Қарши туманидаги 14-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ҳуснора Абдураҳимова. — Булар XXI аср болалари. Боғча ёшиданоқ компьютер билан беллаша оладилар. Ҳар бирининг аниқ мақсади бор. Бу ёшларни мажбурлаб бирор касбга ўргата олмайсиз. Улар ўзлари танлаган соҳасини пухта эгаллаб, юртимиз равнақи йўлида бирор фойдали иш қилсам, дейди. Ёшликнинг шиддати ҳам шунда-да.

Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, қишлоқ мактабларида айрим фанлар бўйича мутахассислар етишмайди. Болаларга сабоқ бериш учун олис йўл босиб келадиган ўқитувчиларнинг сони эса камайиб бормоқда. Айни шундай кадрлар тақчиллиги юзага келаётган бир пайтда олий таълим даргоҳларини битирган кўпчилик ёшлар ўз соҳаси бўйича ишламаяпти ёки бир қисми шаҳарларда қолиб кетишаяпти. Хўш, ҳамма мутахассислар марказга интилаверсалар, қишлоқ болаларини ким ўқитади?! Баъзан мактабда мутахассис ўқитувчилар етишмаслиги боис болаларга асосий фанлар — адабиёт, тарих, хорижий тилдан бошқа фан ўқитувчилари сабоқ беришга мажбур бўлмоқда. Бу масалани жиддий ўйлаб кўриш керак. Давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланиш учун кадрлар тайёрлаш ва уларни манзилли иш жойлари билан таъминлашда ҳам янада ойдинроқ чора-тадбирлар кўрилса, фойдадан холи бўлмасди.

Бундан олти-етти йил илгари биз тенгилар бирор касб-ҳунарни ўрганиш учун олис йўл босиб, бирор уста, косибга ёки ҳунармандга шогирд тушардик. У пайтлар юртимизнинг ҳар бир туманида бугунгидек замонавий касб-ҳунар коллежлари қад ростлаши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бўлса ажабмас.

Ижодий сафар давомида қишлоққа борганимда, Қарши туманидаги Қоратепа иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилган экан. Бундан қишлоқ аҳлининг ҳам, ёшларнинг ҳам қувончи чексиз. Аммо уларни ташвишга солаётган айрим муаммолар ҳам йўқ эмас.

— Қоратепа иқтисодиёт коллежининг биринчи ўқувчиларидаман. Ўзимга ёққан китобларни шаҳар китоб дўконларидан сотиб олишга мажбур бўлаяпман, — дейди Азиз Раҳмонов. — Китоб харжидан ташқари қанча вақт, йўлкира сарф қиламан. Кўриб турганингиздек, бугун қишлоғимиз янги қурилган иморатлар ҳисобига анча ўзгарди. Энди бу ерда ҳам китоб дўконлари очилса, республикамизда чоп этилаётган нуфузли газета-журналлар етиб келса, яхши бўларди. Ёшларга ўқиши ва ишидан кейин маданий ҳордиқ оладиган клублар ташкил этилса, биз ҳам таниқли инсонлар билан юзма-юз учрашиб, ўзимизни қизиқтирган мавзуларда суҳбатлашишни хоҳлаймиз.

Дарҳақиқат, маънавият пойдевори аввало, маданиятдан бошланади. Республикамизнинг турли вилоятларида қаровсиз ёки эътибордан четда қолган маданият клублари қайта тикланса, ёшларнинг севимли масканига айланишига ишонамиз.

Юртбошимизнинг жорий йилни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», деб эълон қилгани бежиз эмас. Қишлоқларимиз нафақат замонавий таълим масканлари билан, балки аҳолининг саломатлигини сақлаш мақсадида қурилган қишлоқ врачлик пунктлари, янги савдо расталари ҳисобига ҳам обод бўлмоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида туғилиб ўсган гўшасининг янада кўркам бўлиши учун кимдир боғ яратиб, яна кимдир кўприк қуриб эл дуосини олаётгани дилимизни равшан қилади. Шу билан бирга, дилдаги илинж ушбуки, келгусида туғилиб ўсган қишлоғимга ўқитувчи ёки шифокор бўлиб бораман, дейдиган ёшлар янада кўпайса, анча-мунча муаммолар бартараф бўларди.



Адиба УМИРОВА,
"Hurriyat" мухбири.

Таҳририятга хатлар

Ўтмиши қадим, келажаги ёруғ кент

Қадимий қўлёзмаларда, хусусан Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур каби жуда кўплаб алломалар, шоир ва тарихчиларнинг асарларида пойтахтимиз Тошкент шаҳри Чоч, Шош, Бинкат, Шошкент каби номлар билан тилга олинган ҳамда ўзининг майин ҳавоси, мафтункор табиати, фусункор боғлари, одамларининг ҳеч нарса билан қиёсланмас меҳр-муҳаббати мадҳ этилган.

Бу хосиятли заминдан номлари бутун ислом оламига машҳур Имом Каффол Шоший, Шайх Хованди Тоҳур, Шайх Зайниддин бобо, Иброҳим ота, Қўйлиқ ота сингари азиз-авлиёлар ва яна қанча улуғ зотлар етишиб чиққанида ҳам катта ҳикмат бор деб ўйлайман. Маълумки, буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳукмдорлиги даврида Тошкент шаҳри ва унинг атрофида катта қурилиш ишлари олиб борилган. XIII асрда бузиб ташланган шаҳар қалъаси қайта тикланган ва Соҳибқироннинг ўғли шарафига Шоҳруҳия деган ном олган. Ўша даврларда шаҳар тўртта даҳадан иборат бўлиб, улар Шайхонтоҳур, Бешёғоч, Кўкча ва Себзор деб аталган.

Буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур 1365 йили Тошкент ва Чиноз ўртасида мўғулларга қарши шиддатли жанг олиб борган. "Лой жанги" номини олган бу муҳораба ҳали ҳокимият тепасига келмаган буюк бобомизнинг миллий озодлик курашини олиб боришида мазкур ҳудуд қанчалик муҳим ўрин тутганини англатади.

Тошкент ўзининг олис ва бой тарихи давомида «Тинчлик шаҳри», «Дўстлик шаҳри», «Жасорат шаҳри», «Нон шаҳри», «Боғ-роғлар шаҳри», «Кино шаҳри», «Шарқ дарвозаси» сифатидаги шуҳрати Машриқ-у Мағрибда машҳур бўлиб келган. 2007 йили бу таърифлар қаторига «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» деган юксак номнинг ҳам қўшилгани жаҳон ҳамжамиятининг Ватанимиз ва унинг пойтахтига чуқур эҳтиромини белгиси десак ўринли бўлади.


Дилноза ЖУМАНИЯЗОВА
Тошкент шаҳри.

Каффол Шоший

Буюк бобокалонларимиздан бири Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Каффол аш-Шоший ал-Кабир бўлиб, милодий 903 йилда Шош (Тошкент) шаҳрида ҳунарманд оиласида таваллуд топди. Унга Каффол (қулфчи, қулфсоз) номининг нисбат берилишига ҳазрати Имомнинг моҳир ҳунарманд-уста бўлиб, қулфсозликда шуҳрат қозонгани сабабдир. Маълумотларга қараганда оғирлиги 0,5 грамм келадиган ажойиб қулф-калитлар ясаган эди. Баъзилар у зот инсонларнинг қулфи-дилини очадиган даражада илму маърифат, камол ва салоҳиятга эга бўлгани учун шу номни олган, дейдилар. Каффол Шоший «Жавомиъул калим» («Ҳикматли иборалар тўплами») ва «Адабул қози» («Қозининг одоби»), «Адабул-баҳс» («Баҳс одоби»), «Ҳусни жадал» («Диалектика гўзаллиги») каби китоблар ёзган.

Манбаларда ёзилишича, Византия императорининг қўмондони Тоғфур Бағдод халифасига шеърий мактуб жўнатиб, қаттиқ таҳдид қилади. Бағдоднинг кўзга кўринган олим ва шоирлари унга жавоб ёзишга ботина олмайдилар. Шунда ўша пайтда Бағдодда бўлган Каффол Шоший ўткир қалами билан қўмондонга маънили жавоб ёзгани шаҳарнинг хавф-хатардан сақлаб қолинишига сабаб бўлади. У зотнинг Рум подшоҳи, Бағдод халифаси билан бўлган зарофатли мулоқотлари ҳам ёзиб қолдирилган.

Акбар РАВШАНОВ
Тошкент вилояти.



O'ZSANOATQURILISHBANK

"ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК"
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

азиз юртдошларимизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда жонажон пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тантаналари билан чин юракдан муборакбод этади.

Ушбу шукуҳли дамларда барча ватандошларимизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, омад ва зафарлар тилаймиз. Барча эзгу орзу-ниятларингиз рўёбга чиқсин, сармояларингиз янада кўпаяверсин, дастурхонларингиздан қут-барака аримасин!

Сиз азизларга шундай қувончли кунларда «Ўзсаноатқурилишбанк» ўзининг янги омонатларини таклиф этади:

«ИСТИҚЛОЛ-1» ***30 % йиллик***	**3 ОЙ** сақлаш муддати	Сўмдаги омонат	Омонат фоизи ҳар ой тўланиб борилади.
«ИСТИҚЛОЛ-2» ***10 % йиллик***	**3 ОЙ** сақлаш муддати	АҚШ долларидаги омонат	Сақлаш муддати тугаганидан сўнг омонат фоизи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўмда тўланади.
«ТОШКЕНТ – 2200» ***30 % йиллик***	**4 ОЙ** сақлаш муддати	Сўмдаги омонат	Омонат фоизи ҳар ойда олдиндан, яъни бўнак тарзида тўланади.

«Ўзсаноатқурилишбанк»да сақланувчи аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.


Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz

ҲАМКАСБ

ҲАВАС БИЛАН ЯШАЙДИГАН ИНСОН

Юксак инсоний фазилатлари, серқирра ижоди билан ҳурмат қозонган кишиларнинг дўстлари, шогирдлари кўп бўлади. Бундай эъзозга лойиқ инсонларнинг сермазмун ҳаёт йўли ҳақида муносиб сўз айтмоқ бахти кўнгилда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.



Наманган шаҳар ҳокимлигининг "Наманган садоси" газетаси муҳаррири Комилжон Файзиев ҳаётини матбуотга бағишлаб, халқнинг дарду ташвишлари билан яшаётган кишилардан биридир. Устознинг ишга талабчанлиги, самимийлиги ва жонкуярлиги боис газета муштарийларнинг севимли нашрига айланган. Таҳририятнинг ижодий ходимлари ҳам бундан ибрат олиб, ўз устида тинмай изланади.

Комилжон аканинг юксак фазилатларидан бири — у киши фақатгина муҳаррир бўлибгина қолмай, балки ходимлари билан дилдан суҳбатлашадиган, уларнинг ташвишларини тушунадиган, оилавий шароити ҳақида қайғурадиган, керак пайтда қўллаб-қувватлайдиган самимий ва жонкуяр дўст ҳамдир. Ҳар ҳафта таҳририятда ўтказиладиган маънавият-маърифат соатларида ёш ходимларга оммавий ахборот воситалари ходимларининг маънавияти, ахлоқ-одоби, ўз ишига муносабати қандай бўлиши ҳақида қимматли маслаҳатларини беради.

— Журналист жамиятимизда кечаётган воқеа-ҳодисаларга ҳамиша холис ва ҳозиржавоблик билан ёндашиши керак. Бефарқлик ва билимсизлик ҳар қандай ижодкорнинг илҳомини сўндиради, — дейди Комилжон Файзиев. — Инсоннинг энг гўзал фазилати эса камтарликдир. Касбимиз тақозоси билан қайга бормайлик, ким билан учрашмайлик, аввало, самимият ва одамийликни унутмайлик. Ёзганларимизга ўхшасаккина, халқ бизга ишонади, керак бўлса суянади. Журналистнинг нони қаттиқ.

Комилжон аканинг ўгитлари асосида меҳнатда чиниққан ёшлар бугун ўз касбининг фидойисига айланмоқда. Улар мустақил фикрга эга.

Устоз узоқ йиллар давомида вилоят телерадиокомпаниясида, вилоят ёшларининг нашри — "Камолот" газетасида ишлади. У табиатан тиниб-тинчимайдиган инсон. Ҳар куни ишхона билан уйи ўртасидаги икки чақирим йўлни пиёда босиб ўтиб, янгиликларни, ўзгаришларни, айрим муаммоларни кузатиб, газетанинг келгуси сони учун ходимларига вазифалар беради.

— Устоз, бу мақола кўнгилдагидек чиқмабди. Қайтариб беринг, бошидан ёзсин, — деган пайтларимиз кўп бўлган. У киши эса вазминлик билан:

— Муаллифга мақоласини саёз экан деб қайтиб берсак, қалбига озор беришимиз мумкин. Шунинг учун уларнинг қаламини чархлашдан эринмаслигимиз керак, — дейди.

Комилжон аканинг кўмагида кўплаб журналистлар тарбия олган. Устоз оилада ҳам бахтли инсон. Турмуш ўртоғи — Шоирахон Файзиева шаҳардаги 7-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайди. Ўғли Хуршидбек эса ота изидан бориб, матбуот соҳасида фаолият кўрсатаяпти.

Раҳимжон АБДУЛЛАЕВ,
"Наманган садоси" газетаси масъул котиби.



КУНЛАРДАН БИР КУН

Мақтов

Газетачиликда турли хил хатолар онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Қайси йили камтар, оиласига садоқатли, болаларига меҳрибон ҳамкасб дўстимни мақтамоқчи бўлиб, ихчамроқ мақола ёзиб тармоқ газеталаридан бирида қолдирдим. Орадан кўп ўтмай, навбатчи муҳаррир менга қўнғироқ қилиб: "Бугун газетамиз босмахонага топшириладиган ("вёрстка") куни. Мақолангизнинг газета вариантини бир бор кўздан кечирсангиз ёмон бўлмасди", — деди.

Таҳририятнинг мусаҳҳиҳлар хонасига кириб, газета саҳифасига чиройли қилиб макетлаштирилган мақоламни ўқиб чиқдим. Унда жумладан шундай сўзлар бор эди: "Камсуқум, ўз соҳасини яхши билади, биргина ҳаёлпарастлик қусурини айтмасак, рисоладагидай йигит". Мусаҳҳиҳларга: "Деярли ҳеч қандай хато йўқ. Фақат биргина "ҳаёлпарастлик" сўзида "ҳ" эмас "х" ёзилади", деб тузатиш киритганимни айтдим.

Уйга келгач, қадрдон дўстимга қўнғироқ қилиб: "Эртага фалон газетани олиб ўқинг, сизни яхшигина "танқид" қилганман", дедим ҳазиллашиб. Мақоламни ўқиб, дўстим ҳурсанд бўлишига ишонар эдим. Аммо...

Эртаси куни энди кийиниб ишга отланаётганимда телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарганимни биламан, "Расво қилибсиз-ку обрўйимни, шунақаям бўладими одам, келинингиз ҳам роса кулди", — деди. Ҳазилми десам, жиддийга ўхшайди. Матбуот дўконига югуриб бориб, газета сотиб олдим-да мақоламни ўқиб чиқдим. Мусаҳҳиҳлар "ҳ" ҳарфини "х"га ўзгартириш ўрнига биратўла олиб ташлаб қўя қолишибди. Натижада "хаёлпараст" сўзи "аёлпараст" бўлиб чиқиб кетган экан.

"Кўк"ингдан ўргилдим"

Менга бу воқеани бир ҳамкасбим айтиб берганди.

Ҳар гал пойтахтга борганимда икки пакет (ҳар бири 100 гр.дан) Ургутнинг носидан олиб вазирликда ишлайдиган собиқ курсдошимга бериб, шу баҳона у билан кўришиб қайтардим. Носи тугаши билан менга қўнғироқ қилиб: "Йўлинг тушса, яна иккита "кўки"дан олиб кел", — дейишни канда қилмасди.

Кунларнинг бирида хизмат сафари билан яна Тошкентга борадиган бўлиб, бир жуфт пакетчада "кўк"и ("носвой" дейишга уялардик) дан олдим. Келиб идоранинг ички телефонидан қўнғироқ қилсам, гўшакни курсдошимнинг ҳамҳонаси кўтарди. У ҳам анча дилкаш йигит эмасми, камина билан сўрашиб кетди.

— Унга "кўк"и дан озроқ олиб келувдим, шуни бериб кетай, дегандим, — дедим.

— Қачонгача дўстингизни "кўк" билан таъминлайсиз, бизларга ҳам озроқ илинсангиз бўлмайдими? — деди у гина оҳангида.

— Ия, сиз ҳам "кўки"-дан оласизми? Хабарим йўқ эди. Ундай бўлса, шуни ўзингизга олиб қўя қолинг. Кейинги гал унга бошқа олиб келарман.

У зум ўтмай пастга тушди. Қўлимдагини бериб юбордим. Кейинчалик курсдошимнинг айтишича, хонасига киргач, целлофан пакетчани очибди. Носвойнинг қўланса ҳиди нафасига урилгач:

— Ҳе, ўргилдим "кўк"-ингдан", дермиш.

Тузатиш

Вилоятдаги ёшлар газетасида ишлаётган пайтларим эди. Газетанинг "Хотира ва Қадрлаш куни"га бағишланган сони бироз кечикиб қолди. Аслида ҳар гал газетани диққат билан ўқирдим. Ўша куни нима бўлди-ю биринчи саҳифага унчалик аҳамият бермабман. Эртаси куни бош муҳаррирмизни ҳокимлика чақиришди. У бир соатлар ўтгач, шумшайиб келдида: "Чатоқ бўлибди-да, қўпол хато кетибди", — деди. Газетани олиб қарасам, биринчи бетда "Хотира уйғонса, гўзалдир" деган рукн ўрнига "Хотини уйғонса, гўзалдир" деб ёзилиб кетибди. Бунинг учун муҳаррирмизни роса "тузлашибди".

— Узр, — дедим, минг хижолатда, — кейинги сонда тузатиш бериб юборамиз.

Газетанинг кейинги сони тайёрланаётганда биринчи қилган ишим тузатиш ёзиш бўлди. Аммо газетани босмахонага топшириш менга насиб қилмади, хизмат сафарига кетдим. Қайтиб келгач, газетанинг янги сонини не кўз билан кўрайки, "...авваллги сондаги "Хотини уйғонса, гўзалдир" деган сўзлар ўрнига "Ҳокими уйғонса, гўзалдир" деб ўқилсин", деган "тузатиш" турарди...

Азамат СУЮНОВ,
журналист.

НАЗОРАТ

Ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан Жиззах шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат бўлими томонидан жорий йилнинг саккиз ойи давомида муайян ишлар амалга оширилди.

Қонунга амал қилмагач...

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги 24-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича акциз маркасиз спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари сотилишининг олдини олиш борасида шу йилнинг биринчи август ҳолатига 36 нафар қонунбузарлардан жами 48,6 литр, (251 минг сўмлик спирт маҳсулотлари), 3861,4 минг сўмлик алкоголли ичимликлар ва 1653,4 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Шунингдек, ҳукуматимизнинг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли қарори ижроси юзасидан фуқаролар томонидан республикамиз ҳудудига импорт товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва ички бозорларда сотилишининг олдини олиш мақсадида тегишли ҳужжатларсиз савдо қилаётган 95 нафар фуқаро аниқланиб, улардан 87 миллион 316 минг сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари қонунга мувофиқ расмийлаштирилди ҳамда тегишли чора кўрилди. Шу билан бирга август ойи давомида ўтказилган саккизта назорат текширишларида ҳам қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Жами етмиш минг сўмдан зиёдроқ четдан ноқонуний равишда олиб келинган товар моддий бойликлари давлат ҳисобига мусодара этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сонли қарорининг ижроси юзасидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганларнинг давлат ҳамда солиқ идоралари рўйхатидан ўтиб қонуний фаолият юритилишини таъминлаш бўйича 68 та рейд текширувлари ўтказилиб, қонунбузарлар тегишли жазога тортилди. Шаҳар ҳудудида август ойи давомида ўтказилган қўшимча 11 та назорат текширишларида ҳам 11 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди.

Юртбошимизнинг 2006 йил 9 мартдаги "Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан шу йил 17 августгача ўтказилган 33 та рейд ва текширувлар давомида 102 нафар жисмоний шахс ноқонуний йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётгани аниқланган. Барча ҳуқуқбузарларга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, чоралар кўриш учун суд органларига тақдим этилди.

Жўрабек АХБУТАЕВ,
Жиззах шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Имтиёз имкониятни оширмоқда


Президентимизнинг 2009 йил 28 январда қабул қилган "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида назарда тутилган солиқ ва божхона тўловларидаги имтиёзлар эвазига тўланадиган маблағлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, шунингдек, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хомашё ва материаллар харид қилишга, кредитларни тўлашга йўналтирилиши белгиланган.

Қибрай туманидаги "Arge fashion" МЧЖ шаклидаги қўшма корхона ҳамда "Evrokonsept" чет эл корхонаси мазкур қарор ва у берадиган имтиёздан унумли фойдаланди ва имтиёзлар туфайли шаклланган маблағлардан мазкур корхоналарни модернизация қилишда кенг қўлланилди.

Ч.МАМАТРАИМОВ,
Қибрай туман Давлат солиқ инспекцияси ҳисоб ва таҳлил статистикаси бўлими бошлиғи.



Ургут тиббиёт коллежи жамоаси



миллий байрамимиз — она Ватанимиз мустақиллигининг 18 ЙИЛЛИГИ ҳамда пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 ЙИЛЛИК тўйи билан барча юртдошларимизни муборакбод этади.
Ҳаммага бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, омад тилайди!

ДУНЁДА НИМА ГАП?





АТ "Агробанк"нинг Жондор туман бўлими жамоаси
юртдошларимизни энг азиз миллий байрамимиз — Мустақиллик куни ҳамда азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан чин қалбдан табриклайди.
Она юртимиз ҳамиша бор бўлсин, ҳамманинг уйида қут-барака, тотувлик ҳукмрон бўлсин!

ҚУВАСОЙ ШАҲАР АГРОСАНОАТ КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ
бунёдкор халқимизни Истиқлолимизнинг 18 йиллиги ҳамда пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тантаналари билан сидқидилдан муборакбод этади.
Энг ёруғ умидларимиз рўёбини кўриш бахти насиб этаверсин!



ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТАМОЖЕННЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРС
по закупу следующих технических средств:

Лот № 1. Сканирующая система для досмотра ручной клади и багажа.
Лот № 2. Сканирующая система для досмотра среднегабаритных грузов.
Лот № 3. Весы для взвешивания грузовых автомобилей в режиме статики.
Лот № 4. Весы для взвешивания грузовых автомобилей в режиме динамики.
Лот № 5. Внутренняя телефонная станция, набор инструментов для досмотра, металлодетекторы, эндоскоп.
Лот № 6. Система видеонаблюдения, система телекоммуникации, антенно-мачтовое сооружение

Предложения принимаются только в запечатанных конвертах с пометкой «на конкурс с указанием номера лота полного наименования оборудования» до 17.00 час 18 сентября 2009 года по адресу г.Ташкент пр. Узбекистанский дом № 3.

В обязательном порядке от участника конкурса принимаются сопроводительное письмо и приложением к нему два запечатанных конверта:
1) Документация с полными техническими характеристиками и проспекты прилагаемых технических средств;
2) Документация содержащая всю информацию, запрашиваемую в коммерческом условии.

Датой поступления коммерческого предложения на конкурс считается день регистрации в ГТК РУз.

Для получения конкурсной документации и дополнительной информации обращаться по телефонам: (8.371) 120-76-00 внутренний 28-93.

ДАРАКЛАР

Қўл-оёқсиз ёв



Бир неча кундирки, АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳри шимолидаги Маунт Вильсон тоғида ёнғин давом этмоқда. Daily News хабарига қараганда, кеча икки ўт ўчирувчи ҳалок бўлган. Лос-анжелеслик ўт ўчирувчилар вакили Марк Савейжнинг таъкидлашича, ёнғин Маунт Вильсон тоғининг 22 та телеканал ва 25 та радиостанция жойлашган қисмига яқинлашиб келмоқда. Агар ёнғин вақтида ўчирилмаса, шаҳар алоқа тизимига жиддий зарар етади.

Associated Press тарқатган хабарлар бундан ҳам ваҳимали. Агентлик мухбирининг ёзишича, ёнғин 66 квадрат мил масофани эгаллаб бўлган. Шу пайтга қадар 12 та бино бутунлай ёниб кулга айланди. Яна 12 мингта уй хавфли ҳудудда қолмоқда. Ўт ўчирувчилар ёнғин ҳали давом этиши мумкинлигини башорат қилишмоқда. Қўл-оёқсиз ёвни тизгинлашга ҳарбийлар, самолёт ҳамда вертолётлар жалб этилди.

Калифорния штатида ёнғин содир бўлган жойларда фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

«Крован» яқинлашиб келмоқда

Японияга «Крован» тўфони яқинлашиб келмоқда. Кеча мамлакат пойтахти Токионинг шимолида жойлашган Тиба префектурасига тўфоннинг дастлабки шамоли етиб келди. Шунинг учун Токио ва унинг атрофидаги шаҳарларда самолёт қатнови тўхтатилди. Куни кеча Токиога келадиган 30 та авиарейс бекор қилинган. Токио кўрфазидаги кемалар қатнови ҳам вақтинча тўхтатилди.

Мамлакатнинг энг катта Хонсю оролида эса фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Аҳолига океан яқинига бормаслик тушунтирилди. «Крован» тўфони соатига 15 километр тезликда ҳаракат қилмоқда. Тўфон авж олган айрим жойларда шамолнинг тезлиги сониясига 40 метрни ташкил этмоқда.

Ҳукумат тўфон туфайли кўчкилар содир бўлиши мумкинлигидан аҳолини огоҳ этди. ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, йил бошидан буён кунчиқар ўлкага 11 марта тўфон «ҳужум» қилган. Август ойидаги «Этау» тўфони минглаб уйлар вайронага айланишига ва 12 нафар кишининг ёстиғи қуришига сабаб бўлган эди.

Локерби садоси




Яқинда Нью-Йоркда БМТ Бош ассамблеясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади. Унда бошқа давлатлар раҳбарлари қатори Ливия давлати йўлбошчиси Муамар Қаззофийнинг ҳам қатнашиши кутилаяпти. Шу муносабат билан кеча Нью-Жерси штатининг Энглвуд шаҳри аҳолиси норозилик намойиши ўтказишди. Намойиш қатнашчилари сафида штат губернатори Жон Корзайн ва 1988 йили Шотландияда портлатиб юборилган самолётда ҳалок бўлганларнинг 38 нафар қариндошлари бор.

Эслатиб ўтамиз, 1988 йили Шотландиянинг Локерби шаҳарчаси осмонида ливиялик террорчилар томонидан АҚШ йўловчи самолёти портлатиб юборилган ва натижада 259 йўловчи ҳамда 11 нафар Локерби шаҳри аҳолиси ҳалок бўлган эди. Терроргa алоқадор бўлган Ливия махсус хизмати вакили Абдул Басит Али Муҳаммад бир умрлик қамоққа ҳукм қилинганди. Яқинда Шотландия ҳукумати Басит Али Муҳаммаднинг оғир касаллигини ҳисобга олиб, уни қамоқдан озод қилди. Бу эса АҚШ жамоатчилигининг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Газ сотиб олиш камаяди

Украина йилма-йил Россиядан сотиб оладиган газ миқдорини камайтирмоқчи.



Мамлакат бош вазири Юлия Тимошенконинг айтишича, Украина 2007 йилда Россиядан 52 миллиард кубометр газ сотиб олган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 33 миллиард кубометрни, кейинги йил эса 27 миллиард кубометрни ташкил этади.

«Газ бозори координатори» қўшма корхонаси раҳбари ўринбосари Владимир Фейгиннинг қайд этишича, газ истеъмолининг камайиши, биринчи навбатда, мамлакат саноат корхоналарининг тўхтаб қолиши билан боғлиқ. Бундан ташқари, кўплаб корхоналар газ ўрнига маҳаллий маҳсулот — кўмирдан фойдаланишни афзал билишмоқда. Шунингдек, мамлакатда йилига 27 миллион тонна биоёнилғи ишлаб чиқариш имконияти ҳам бор. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ёнилғининг бу тури газга нисбатан уч баравар арзон.

Юлия Тимошенко шу йўл билан Украина ёнилғи мустақиллигига эришиши мумкинлигини таъкидлади.

Учинчи чоракда ўсиш



Хитойда жорий йилнинг учинчи чорагида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 8 фоизга ўсиши мумкин. Бу ҳақда The Guardian газетасининг иқтисодий масалалар бўйича эксперти Чжан Хун маълумот берди. Шу йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 6,1, иккинчи чорагида эса 7,9 фоизни ташкил этганди. Экспертнинг ёзишича, Хитой иқтисодининг ўсиши жаҳон иқтисодий инқирозига сезиларли зарба беради.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Хитой кейинги йилларда жадал суратлар билан ривожаланиб бораётган бўлса-да, мамлакат иқтисоди АҚШ ва Европадаги экспорт бозорларига қарам бўлиб қолган. Сўнгги бир неча ойда Хитойда импорт озгина ўсган бўлса-да, экспорт миқдори пасайиб кетди.

Кенгашнинг янги котиби

Женевада Бутунжаҳон черковлари кенгаши бош котиблигига сайлов бўлиб ўтди. Ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтган сайловда норвегиялик пастор Олаф Фюксе Твейт ғалаба қозонди. Сайловда Твейтдан ташқари



кореялик диндор Сон Вон Пак ҳам ўз номзоди билан қатнашган эди.

«Мен мусулмонлар ва христианлар ўртасидаги алоқаларни янада яхшилашга ҳаракат қиламан. Чунки муносабатларни яхшилаш билан жаҳонда муқаррар тинчлик ўрнатишга эришиш мумкин», деди янги бош котиб.


Шу пайтга қадар Бутунжаҳон черковлари кенгаши бош котиби лавозимини эгаллаб келган кениялик пастор Сэмюэл Кобининг ваколат муддати жорий йил охирида тугайди.

Олаф Фюксе Твейт 48 ёшда. У айни пайтгача сайланган бош котибларнинг энг ёши ҳисобланади. 1948 йили тузилган Бутунжаҳон черковлари кенгашига 110 давлатдаги 349 та черков бирлашган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТАБИАТ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Омонхона суви — ҳаёт малҳами



Омонхона қишлоғи Бойсун тумани марказидан 14 км. узоқликда — тоғ этакларида жойлашган. Паст-баланд қир-адирликлар билан ўраб олинган сўлим қишлоқда минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Кексаларнинг нақл қилишларича, маҳаллий одамлар юқумли касалликлар билан умуман оғримаган. Улар орасида гепатит (сариқ) касаллиги у ёқда турсин, ҳатто ошқозон-ичак касаллиги билан ҳам бу ерда истиқомат қилувчилар орасидан ҳеч ким рўйхатга олинмаган. Ҳатто ана шу хасталиклар билан бирор киши шифохонага тушиши у ёқда турсин, яқин 20-30 йил ичида ҳеч ким шифокорга мурожаат ҳам қилмаган. Аксинча, юқумли сариқ касаллигига чалинган, ҳатто жигар цирроза билан оғриган кишилар узоқ-узоқ манзиллардан бу ерга ташриф буюришмоқда. Дардига шифо топишмоқда.

Ҳўш, бунинг боиси нимада? Гап шундаки, қишлоқ бошида тоғ қаъридан тошларни ёриб, булоқ кўз очган. Яратганнинг қудрати билан чашманинг зилол суви шифобахш элементларга шунчалик бойки, уни истеъмол қилган киши ошқозон-ичак, сариқ ва жигар цирроза каби инсон ҳаётига чанг солиб турадиган ўта хавфли касалликлардан халос бўлади. Омонхона булоғи хаста қалбларга малҳамдек хуш ёқади. Шифокорлар "Даволашнинг иложи йўқ, бунга ҳозирча тиббиёт ожиз", деган хулосага келган пайтларида ҳам ҳали ҳаётдан умидвор юзлаб беморлар муқаддас булоқ сувининг қудратли таъсирида дарддан фориғ бўлишмоқда.

Шу боис ҳам Омонхона сувининг довруғи узоқ-узоқларга бориб етган. Республикамизнинг Қорақалпоғистон, Хоразм, Навоий, Бухоро ва бошқа кўплаб вилоятларидан, ҳатто Туркманистон, Тожикистон, Афғонистон давлатларидан ҳам одамлар дардига даво излаб бу ерга келмоқдалар. Орадан кўп ўтмай улар соғайиб юртига қайтишаяпти. Шу билан бирга "Омонхона муқаддас булоғи" масъулияти чекланган жамияти жамоаси шифобахш сувни елим идишларга қадоқлаб, элимизга етказиб бермоқда. Польшада тайёрланган замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхонада бугунги кунда ўттиз тўрт нафар киши иш билан банд. Уларга тадбиркор Асқар Эшмуродов бошчилик қилади. Жамоа бу йил истеъмолчиларга ўттиз минг диколитр шифобахш сув етказиб бермоқчи.

Одамлар дардига малҳам бўлаётган бундай ичимликка бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бораётгани туфайли корхона аҳли ишни икки навбатда ташкил этиб, белгиланган вазифаларни астойдил адо этмоқда. Айниқса, Шуҳрат Асамов, Очилди Ҳафизов, Одил Абдуллаев, Умид Жўрақулов, Лобар Муродова, Ўрол Бобоназаров, Юлдуз Омонова, Панжи Ҳожиев, Мурод Ҳакимов сингари сергайрат ишчиларнинг меҳнати эътирофга молик.

— Омонхона булоғининг суви жуда кўп дардларга беназир даво экани хорижда ҳам маълум, — дейди корхона иш юритувчиси Асқар Эшмуродов. — Ҳозир Бирлашган Араб Амирликлари, Афғонистон, ҳатто Ҳиндистон давлатларидан ҳам бизга талабномалар тушаяпти. Улар билан шартномалар имзоладик. Зиммамиздаги мажбуриятни тўла-тўкис бажариш мақсадида корхонани кенгайтириб, унинг қувватини оширдик. Яқинда янги лойиҳа ишга туширилди. Шифобахш сув асосида беш хилдаги чанқоқбосди ичимликларни ҳам сотувга чиқардик. Олча, шафтоли, ўрик, олма, нок шарбатлари аралашмаси билан тайёрланган ичимликлар халққа жуда манзур бўлмоқда. Истеъмолчиларга хуш ёқмоқда, харидор бисёр.

Дарвоқе, одамлар дардига дармон бўлаётган аҳил жамоа яна бир лойиҳани амалга оширди. Улар сиҳатгоҳда дам олувчиларга қулайлик яратиб бериш мақсадида уяли телефон орқали сўзлашувни йўлга қўйишди. Эндиликда адирликлар орасидан ҳам узоқ-узоқ манзиллар билан аниқ-тиниқ алоқалар ўрнатиш, сўзлашиш имкониятлари яратилди.


Омон ШУКУРОВ

ҚУТЛОВ

“АСАКА”

ASAKA BANK

очиқ акциядорлик тижорат банки (ОАЖ) жамоаси



халқимизни
республикамиз
мустақиллигининг
18 ЙИЛЛИГИ ҳамда
пойтахтимиз Тошкент
шаҳрининг
2200 ЙИЛЛИГИ
шодиёналари билан
самимий табриклайди.
Эл-юртимиз ҳамиша
омон бўлсин,
осмонимиз мусаффо,
истиқлолимиз
абадий бўлсин!



Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмаси жамоаси

барча ватандошларимиз ва
касбдошларини мамлакатимиз
*мустақиллигининг **18 йиллиги** ва*
*азим Тошкент шаҳрининг **2200 йиллик***
тўйи билан қизғин муборакбод этади.
Озод диёримизга тинчлик ва юксалиш,
бунёдкор халқимизга
тан-сиҳатлик ҳамда шоду хуррамлик
доимо ҳамдош бўлсин!

Жондор туманида фаолият юритаётган
“Феруза Қаҳрамонова” фермер хўжалиги аҳли

меҳнаткаш ва танти юртдошларимизни энг улуғ,
энг азиз байрамимиз — Истиқлолнинг 18 йиллиги билан
қутлайди. Барчага бахт-саодат, омад,
ишларида улкан зафарлар тилайди.



Бойсун туманидаги кўп тармоқли
“Хуршид” хусусий корхонаси жамоаси

юртдошларимизни
Мустақиллик куни билан
табриклайди.
Истиқлол, ҳурлик ҳар бир
хонадонга бахт,
иқбол ва эзгулик олиб келсин!

ОАТБ “Микрокредитбанк”нинг Жиззах вилоят филиали жамоаси

MIKROKREDITBANK



ватандошларимизни ва юртимиз меҳмонларини
энг улуғ, энг азиз байрамимиз —
мамлакатимиз мустақиллигининг **18 ЙИЛЛИГИ** ҳамда
Тошкент шаҳрининг **2200 ЙИЛЛИК**
қутлуғ тўйи билан муборакбод этади.

Азиз юртимиз бундан-да юксалиб,
гиёҳ очаверсин.
Халқимизнинг дастурхони тўкис,
ҳар бир куни, файзли кечсин.
Ушбу шукуҳли дамларда
азиз юртдошларимизга
“Микрокредитбанк” ўзининг юқори фоизли
омонатларини тақдим этади.

Сармоянгизни қуйидаги омонатларга
қўйиб, маблағларингизни янада оширинг!


№	Омонат номи	муддати	Йиллик фоиз ставкаси	Изоҳ
1	Она шаҳрим	1 йилгача	30 %	Ушбу омонатга маблағлар фақат нақд пулда қўювчи шахснинг ўзидан ёки унинг вакилидан чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Омонатни қисман берилиши амалга оширилмайди. Фоизлар ҳар чоракда тўлаб борилади. Омонатга қўшимча маблағлар қабул қилинади, яъни жамғариб борилади. Фоиз суммаси олинмаса омонатга қўшилиб борилади (капитализация қилинади).
2	Нуроний	18 ойга	30%	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Омонатчининг хоҳишига кўра фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб борилади. Омонатга қўшимча маблағлар қабул қилинади, яъни жамғариб борилади. Фоиз суммаси олинмаса омонатга қўшилиб борилади (капитализация қилинади). (Омонатга нафақа ёшидаги фуқаролардан маблағлар қабул қилинади).

Хизматлар лицензияланган.

Фарғона вилоят электр тармоқлари очиқ акциядорлик жамияти жамоаси


озод диёримиздаги қўшалоқ
байрам —
Ватанимиз мустақиллигининг
18 йиллиги ҳамда пойтахтимиз
Тошкент шаҳрининг
2200 йиллиги билан
юртдошларимизни қизғин
табриклайди.
Истиқлол йўли ҳамиша мунаввар бўлсин.
Ватанимиз остонаси —
Тошкент янада гуллаб-яшнайверсин.
Она юртимизни ҳурлик бахти
ҳеч қачон тарк этмасин!

18 yil



“Водийгазтаъминот” унитар корхонаси жамоаси


миллий байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда мўътабар пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тантаналари билан барча ватандошларимизни чин дилдан қутлайди. Буюк бунёдкорлик ишларимиз ривож топиб бораверсин. Хонадонларимизга ҳамиша бахту иқбол йўлдош бўлсин!



Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги вакиллиги

18 йил

мамлакатимиз халқини Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги билан муборакбод этади. Улуғ байрам тантаналари юртимизнинг ҳар бир хонадонига бахт-саодат, қувонч олиб кирсин! Ҳар бир жабҳада халқимиз бунёдкорлиги ривож топсин!



ТОШКЕНТ – КИНО ШАҲРИ

1897 йил Чорсуда

дастлабки кино кўриги бўлиб ўтган эди

Шаҳримиз кинодан миннатдор. Тасмаларда Тошкентнинг турли йиллардаги кўриниши, одамларининг юриш-туриши, либоси, кўчалар ва хиёбонлар муҳрланиб қолган.

Тарихи икки минг икки юз йилдан ҳам кўп бўлган бу кўркам шаҳарнинг мадрасалари, миноралари, ҳайқириб оқиб турган анҳорлари, файзли меҳмонхоналари ҳозир ҳам кино аҳлига хизмат қилиб келмоқда.

Маълумотларга кўра, 1897 йил Чорсуда дастлабки кино кўриги бўлиб ўтган. Оқ чодир тортилиб, темир ускуналардан чиққан кучли ёғду унга тасвирни туширганида ўт-ўлан, майин шаббода титраши, сайлда юрганлар ҳаракатининг намойиши барчани ҳайратга солган. Оқ чодирда чавандозлар пайдо бўлиб, катта тезликда томошабинлар томон “кела бошлагани”да эса кинонинг биринчи томошабинлари бундан қўрқиб, жойларидан туриб қочиб кетишган экан.

Худди ўша ерда Абдулла Қодирий дўсти Сулаймон Хўжаев билан суҳбат қуриб Самарқанд дарвоза томон неча бор бирга боришган. Ҳамроҳи режиссёр бўлгани сабаб адиб унга “Равот қашқирлари”, “Мусулмон қизи” каби овозсиз ўзбек фильмлари ҳақида кўплаб саволлар берган. Ўзи ҳам фикрини айтган. Бахтга қарши ўша Чорсудаги ҳозир ҳам сақланиб қолган тор кўча бўйлаб олдин режиссёр Сулаймон Хўжаевни, сўнгра “Ўтган кунлар”ни экранлаштиришдек ширин орзуси амалга ошишини кутиб юрган Абдулла Қодирийни қўлига занжир солиб, олиб кетишган.

Сал нарироқда — Хадрада “Ватан” кинотеатри (ҳозир у бинонинг ўрнида Миллий театримизнинг ҳашаматли биноси қад кўтариб турибди) бўлиб, ўша пайтларда шаҳримиздаги ягона кинотеатр шу эди. Уруш йилларида унинг катта залини ҳамда иккинчи қаватдаги киномеханиклар хонасини киностудияга бўшатиб беришганди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари ўша ерда “Насриддин Бухоро да”, “Тоҳир ва Зуҳра” сўнгра “Насриддиннинг саргузаштлари”, “Алишер Навоий” фильмлари учун декорациялар қурилган. Мазкур санъат асарларининг кўпгина эпизодлари худди ўша ерда суратга олинган. Ҳатто Шарқ бозорининг барча тафсилотлари — “Насриддиннинг саргузаштлари” комедияси манзаралари жумладан, савдо расталари, савдогарлар, харидорлар ўша кинотеатрнинг залида суратга олинган. Бу киносаройнинг кўриниши “Фарғона қизи” фильми кадрларида ҳам муҳрланиб қолган (1948).

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтдагиларга намойиш этиш учун жадал суръатда яратилган “Фронтдаги дўстларга” (1942), “Ватан совғаси” (1943), “Фильм — концерт” (1941), “Беш республика концерти” (1944) каби кино тасмаларининг кўп кадрлари ҳам ўша зинапоялар да, ҳашаматли бино фонида суратга олинган. Нур манбалари эса нақш билан безатилган деворга авайлаб ўрнатилган эди. Ўша ерда Аброр Ҳидоятов ҳамда Сора Эшонтўраеванинг жарангли овози янграган. Тамарахоним ва Мукаррама Турғунбоева хиром айлаб, жозибали рақсларини фронтдагиларга бахшида этган. Ҳалима Носирова, Муҳиддин Қориёқубов, Бобораҳим Мирзаев, Эътибор Жалилованинг хушовозлари, кўркам қиёфалари айнан шу жойда кинотасмаларга муҳрланган. Мазкур кадрлар шаҳримизнинг 1941-1944 йиллардаги кўринишларини бизга етказиши билан ҳам қимматлидир.

Оғир шароитда ижод этган санъаткорлар штативга ўрнатилган оғир камераларни қимирлатишнинг ўзи бўлмаслиги, электр чироқларининг қуввати пастлиги, айниқса, овоз (куй, ашула, бадиий сўз)ни ёзиш қийинчиликларини кўп марта гапириб берганлар. Жумладан, Саодат Қобулова ўша дамларни хотирлаб, шундай деганди:

— Мусиқани, ашулани ёзиб олиш жараёни жуда оғир бўларди. Ҳалигача ҳайратга тушаман. Хонанданинг кайфиятини экранда кўриб, ҳис этиб, руҳий тетикликни сақлаб қолган ҳолда суратга олинган кадрларга овоз берардик. Кечаси соат иккидан кейин иш бошлардик. Чунки кундуз куни Навоий кўчасидан, яъни “Ватан” кинотеатрининг ёнгинасидан ўтадиган уч вагонли трамвайларнинг шовқини тасмага ёзилиб қолиб, ишимизни чиппакка чиқарар эди. Тасвир “Ватан” кинотеатрининг экранига туширилар, уни қайта-қайта кўриб, паузалар қаерда эканини аниқлаб, сўнгра ашуламизни бошлар эдик. Бўйим паст, микрафон эса баландроқдаги темир ускунага маҳкамлаб қўйиларди. Уни пастга тушириб ҳам бўлмасди. Шунда режиссёр Наби Ғаниев “Кичкина қора қизимнинг катта, ширали овози бор. Микрафонни унга мослаб бўлмаса, уни микрафонга мослаймиз” дердиларда, уч-тўртта қалин ғишт ёки тахталардан менга супача ясаб берар эди.

Бу жараёнлар афсуски, суратга олинмаган. Фақат тайёр маҳсулот — ўша фильмлар сақланиб қолган. Улар нафақат жанггоҳларда, балки шаҳримизда ҳам кўрсатилган. “Хива”, “Искра”, “Навоий”(аввалги “Турон”) кинотеатрларига кираверишда катта афишалар осиб қўйилар, улардаги рақс тушаётган, ашула айтаётган, киноконцертни олиб бораётган ҳамкасбларимнинг рангли тасвирлари кўпчиликка маъқул бўларди. Чипта олиш учун соатлаб навбат кутиб, томоша залига кирганлардан миннатдорчилик сўзларини кўп эшитганмиз.

Саодат опа фақат концерт эшитиш, ҳордиқ чиқариш учунгина эмас, Хадрадек гавжум жойда ижод этган устозлари Тўхтасин Жалилов, уста Олим Комилов, Наби Ғаниевларнинг ҳаётлик чоғларида суратга олинган кадрларини кўриш учун киностудия тасарруфида бўлган кинотеатрга келарди. Хадрада яратилган кадрларнинг эстетик қиймати билан бирга маданий-маърифий хизмати ҳақида фикр юритганимизда, шаҳримизнинг оғир йилларда ҳам ўз файзини йўқотмагани, унинг ҳамиша озода маҳаллаларида келинчакларнинг эрта тонгда атрофга сув сепиб, супуриб-сидириши кадрларга муҳрланганлигини кўриш мумкин.

Хўжа Насриддин ҳақидаги икки дурдона — “Насриддин Бухорода” (1943) ҳамда “Насриддиннинг саргузаштлари” (1946) фильмларини яратишда муаллифларидан бири сифатида иштирок этган москвалик Виктор Виткович Тошкентда истиқомат қилган кунлари ҳақида шундай ҳикоя қилган:

— Кеча вақт номозшомга яқинлашганда Комил Ёрматовникига меҳмонга бордим. Ярим тунда у билан хайрлашиб, йўлга чиқдим. Транспорт йўқ, пиёда кетдим. Бир йигитга кўзим тушди. Қўлида эски патефон, кайфияти зўр. Кузатиб кетавердим. У кимнингдир эшиги олдида тўхтади, патефонининг қулоғини бураду-ю, қопқоғини очиб пластинкани айлантириб юборди. Тўрт томонга мусиқа садолари таралиб кетди. Ҳаммага таниш куй, кимсасиз қолган кўчада ўзгача янграгандек бўлди. Катта дарахт ортидан кузатиб туравердим. Йигитча тамаки тутатди. Бировнинг эшиги тагида ўзини уйидагидек, бемалол тутди. Қўлини иягига тираб, мусиқани завқ билан тинглади. Чамаси, у тўйда бўлган-у, ўша оқшом тантаналарини куй кўмагида кўз олдида тикламоқчи бўларди. Патефон айланишдан тўхтади. Патефоннинг қопқоғи бекилди, уни кўтарган эгаси яна йўлга тушди. Нариги маҳаллага ўтар-ўтмас яна бир эшик ёнида тўхтади. Патефони яна куйлай бошлади. У куйни завқ билан тинглай бошлади. Мен томонга ҳам нигоҳ ташлади, лекин фикри, ўйлари ўзга манзара билан банд эди. Ҳавасим келди. Ўша тошкентлик йигитдек хотиржам, бахтли бўлишни истардим...

Миллий кинематографиямизнинг уч шоҳ асари (“Насриддин Бухорода”, “Насриддиннинг саргузаштлари”, “Пахта — ой”) ва “Икки дил достони” мусиқали кинопоэмасининг (1966) сценарийлари устида қунт билан ишлаган, юртимизга меҳр қўйган В.Витковичнинг ушбу таассуротларини келтирганимизнинг сабаби бор. Санаб ўтилган асарларнинг ҳар бирида тетик кайфият, ҳазил-мутойиба, нафис тасвир ва лирик садолар, кўнгилга яқин қўшиқлар томошабинда, тингловчида хушкайфият уйғотади. Шаҳримизни гоҳ пиёда, гоҳ трамвайда кезган, йўловчиларга меҳр билан боққан, урушнинг оғир кунларида ҳам кундалик ҳаётдан гўзаллик излаган ва ана шу инжуни топган Виктор Витковичга юртимиз пойтахти жўшқин илҳом бахш этганини инкор этиб бўлмайди.

Тошкент кўчаларида ўша пайтларда ҳам ижод жўш урганидан дарак берувчи яна бир ҳикояни келтирайлик. Хўжа Насриддин ролини ўйнашдек шарафли, лекин жуда масъулиятли вазифани бажариш йўлида кўп изланган актёр Лев Свердлин ўзбекча рақс тушишни, ашула айтишни, аскияда иштирок этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Москвада ўзбек актёрлари билан танишган, Вахтангов номидаги театрда улар билан машғулот ўтказган. Маълум вақт юртимизда истиқомат қилган бу юксак малакали ижрочи талқин услуби, қўлланиладиган актёр техникаси, сўз талаффузи ҳақида суратга олиш кунларида ҳам кўп ўйлаган. Жумладан, шаҳримиз кўчалари бўйлаб юрганида йўловчиларни таажжубга солиб, турфа машқлар ҳам қилаверган.



Мен томонга ҳам нигоҳ ташлади, лекин фикри, ўйлари ўзга манзара билан банд эди. Ҳавасим келди. Ўша тошкентлик йигитдек хотиржам, бахтли бўлишни истардим.

“Ҳар куни — баъзан ўн тўрт соатлик иш кунидан кейин — Лев Свердлин мен билан Шайхонтоҳурда учрашиб, шаҳар кезарди. Йўлнинг бир қисмини трамвайда босиб ўтса ҳам бўларди, лекин у яёв юрарди. Йўлда эртага олинадиган эпизод устида ишлаш ниятида бўларди. Гоҳ кўчадаги омонатгина ўрнатилган ўриндиққа чордона қуриб ўтириб олар, гоҳ кўчанинг ўртасида барчани таажжубга солиб, тасаввуридаги саҳнанинг турли кўринишларини таърифлар, кетмакет савол берар: менинг Насриддиним бундай қилгани маъқулми ёки мана бундайми?.. Учительская кўчасидаги мен турадиган уйнинг ёнига келиб, яна бир соатча гаплашиб ўтирарди. Эпизоднинг кўринишини, Насриддиннинг хатти-ҳаракатини хаёлида чизиб, эртага суратга олинадиган эпизодни аниқ чизгилар билан белгилаб олганидан кейингина кулимсираб, уйига жўнарди”.

Бу тафсилотларни ҳам Виктор Витковичдан эшитган эдик. Унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” фахрли унвони берилгани сира бежиз эмас. Аксинча, жуда муносиб!

Хуллас, гўзал Тошкентимиз нафақат телевидение Ватани, балки киносанъати ҳам ўтган юз йилдан ортиқ вақт мобайнида ривож топиб келаётган қадимий шаҳардир. Бу азим кент дунёда бир-биридан мазмунли, ҳаётий ўнлаб, юзлаб киноасарлар яратилган йирик маданият марказларидан биридир.

Ҳамидулла АКБАРОВ

МАДАНИЯТ

Самарқанд жозибаси

(Бошланиши 1-бетда.)

Унинг эҳтиросли сўзлари барчанинг диққатини тортди:

— Мен бундан 12 йил илгари келганимда эртаклардаги шаҳарга тушиб қолдим шекилли, деб ўйлагандим. Бу гал ҳам ҳайратдан бошим айланди. Жаннат деганлари шу бўлса керак-да!

Дарвоқе, бундай илиқ сўзларни фестивалнинг ҳар битта иштирокчисидан эшитиш мумкин. Фестивалнинг тантанали очилиши унинг руҳини белгилаб берди, десак хато бўлмас. Хусусан, унда Юртбошимиз И.Каримовнинг иштирок этиши ва табриги дунё санъат аҳли вакилларининг кўнглига алоҳида жўшқинлик бахш этди.



— Аввало, бу фестиваль, — деди давлатимиз раҳбари, — Шарқ оламини ва фалсафасини, беназир гўзаллик, назокат ва нафосатни акс эттирадиган, инсон қалбининг энг нозик нуқталарига етиб борадиган куй ва қўшиқларни, қадимий тасвирларни ифода этгани билан инсоннинг бутун вужудини қамраб олиши ва ўзига мафтун этиши муқаррар.

Маросимда сўзга чиққан ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Иван Эспинат тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётган Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш давом этаётгани, «Шарқ тароналари» каби ўнлаб халқаро анжуманлар ўтказилаётганини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга, у мазкур фестиваль тили, дини ва урф-одатлари турлича бўлган миллат ҳамда элатларни қалбан бир-бирига яқинлаштирибгина қолмасдан, балки ёш иштирокчиларни кашф этишга кўмаклашаётганини ҳам айтиб ўтди.

Тантанали очилиш маросимидаги яна бир ўзига хослик ҳақида гапириб ўтмоқ жоиз.

— Театрлаштирилган дастурда миллий мусиқамиз, хусусан «Шашмақом» жилваларини кўрсатишга интилдик, — дейди бош режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев. — Бу гал саҳнада қўшиқ ва рақсларни асосан ёшлар, санъат даргоҳлари талабалари ижро этишди.

Беш кун давомида Самарқанд жаҳон халқлари миллий санъати оғушида бўлди. Меҳмонлар танловдан бўш пайтларида меҳнат жамоаларида бўлиб, мароқли учрашувлар уюштирди, обидаларни зиёрат қилди. Мулоқотлар чоғида меҳмонлар санъатсевар, бунёдкор халқимиз ҳаётига ҳавас қилди. Ҳатто ижодий ҳамкорлик асосида бир-бирларининг миллий қўшиқ ва куйларини ўрганди. Ҳар бир жамоанинг ижродан олдин «Ассалому алайкум, биз Самарқандни севамиз» дейиши ёки «Раҳмат. Омон бўлинглар» деб ўзбекча хайрлашиши одатий ҳолга айланди.

Фестиваль доирасида «Шарқ мусиқа маданиятининг жаҳон тамаддунидаги ўрни» мавзусида илмий конференция ҳам ўтказилди. Унда ўндан ортиқ йирик хорижлик мусиқашунослар иштирок этишди. «Президент отель» меҳмонхонасида жойлашган матбуот маркази ҳам гавжум бўлди. Хорижлик ва маҳаллий журналистлар шу ернинг ўзида ахборотларни ўз нашрларига жўнатиб турди. Шунингдек, ҳар кунги воқеа-ҳодисалар, меҳмонлар мулоҳазалари интернетдаги махсус сайтга жойлаштириб борилди. Уч марта матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Уларда журналистлардан ташқари жамоатчилик вакиллари, санъатшунослар ҳам иштирок этди.

«Шарқ тароналари» биринчи фестивалида 31 та давлат вакили иштирок этган. Бу гал 47 мамлакатдан 260 нафар созанда ва қўшиқчи ташриф буюрди. Бундан ташқари кўплаб хорижлик мусиқашунослар, санъаткорлар сайёҳ сифатида келиб фестивални кузатди.

Тадбирнинг ёпилиш маросими янада жозибали кечди. Самарқандликлар совриндорларнинг гала концертини ярим тунга қадар қизиқиш билан томоша қилишди. Фестивалнинг олий мукофоти — Гран-при Туркманистондан келган Лале Бегназарова ва халқ чолғу ансамблига насиб этди. Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева ва халқ чолғу ансамбли ҳамда Озарбойжон бадиий жамоаси биринчи, исроиллик Леви Шемптов ва Жанубий Корея бадиий жамоалари иккинчи, италиялик Лаура Моликахоним ва кувайтлик санъат усталари учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Мўғулистон, Хитой, АҚШ, Бангладеш вакиллари «Шарқ тароналари» еттинчи халқаро мусиқа фестивали ҳакамлар ҳайъатининг махсус совғаси билан тақдирланди. Германия ва Эрон давлатлари санъаткорлари «Мухлислар қалбидан жой олган жамоа» деб топилди. Ҳиндистон ҳамда Қозоғистон жамоалари «Миллий санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» махсус совғалар билан тақдирланди.

— Гарчи бу кўҳна шаҳарни кино ва телевидениеда кўрган бўлсам-да, ташрифим чоғида Самарқандни янгидан кашф этдим, — дейди Гран при соҳибаси. — Шаҳар аҳли мени ўз фарзандидек олқишлади. Миллатимнинг қўшиқлари томошабин ва ҳайъат аъзоларига маъқул тушганидан хурсандман. Мен Самарқанд билан хайрлашмадим. Боиси икки йилдан сўнг янги қўшиқларим билан бу гўзал ва сеҳрли заминга яна келаман.

Фармон ТОШЕВ

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ:

Чинакам бахт – Ватан ҳурлиги

ТАФАККУР

Ватан озод, ҳур бўлмас экан, чинакам бахт насиб бўлмас.

* * *

Ҳамватанларимиз мулкини сотиб тўй қилганидек сиз-да, ҳатто, лозим бўлганда мулкингизни сотсангиз-да ўғлингизни замонча ўқумоқиға саъй қилсангиз. Тўйга исроф қилинатургон оқчаларни ўқумак қўлиға сарф қилсангиз!

* * *

Агарда муҳтарам ношир ва китобчиларимиз мундан сўнг ахлоқ бузгувчи ошиқона ғазаллар ва соф эътиқодларни заҳарландирувчи хурофотлик афсона китоблар ўрниға мўътабар тарихий, ахлоқий ва адабий рисола ва китоблар нашр этмоқға ташаббус этсалар, шояд бу хайрли ишлари аввалги гуноҳларининг юзини ёпар.

* * *

Келар замон учун ҳозирланайлик, ўтган замон учун эмас.

* * *

Кўп сўйлаган кўп хато этар.

* * *

Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур.

* * *

Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар!

* * *

Бизнинг отимизға мактаблар очингизлар! Бизлар ул чоқда қабримизда тинч ётурмиз.

Ситора ТОЖИДДИНОВА тайёрлади.

СОЧМАЛАР

Китоб дўконидан қарзи бор одам...

Эрта тонгда шарқираб оқаётган зилол сувга кўзим тушди. Нақадар мусаффо-я, — дея севиндим.

— Сувни булғовчилар ҳам уйқуда, — деди ариқ шивирлаб. Улар уйғонгач, кўрасиз ҳолимни...

* * *

Китоб дўконидан қарзи бор одамга ҳавас қилса арзийди.

* * *

Мингта мунофиқнинг маломатига парво қилма,
Битта ҳақгўйнинг танбеҳидан ғофил бўлма!

* * *

Уришаётган иккита чумолини ажратиб қўймоқчи бўлдим. Улардан бири катта, иккинчиси кичкина ва нимжон эди. Айнан кичкинаси каттасининг жағидан маҳкам тишлаб олиб, сира қўйиб юбормасди. Мен катта чумолини зўравон деб ўйладим.

Лекин гоҳида кичкина бўлиб кўринганлар ҳам зўравон бўлишлари мумкинлигини негадир ўйлаб кўрмаймиз.

Муҳиддин МИРЗААҲМАД

СПОРТ

ШАХМАТ ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛДИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллигига бағишлаб болалар шахмат фестивали ташкил этилди. Унда юз нафардан зиёд ёш шахматчилар ғалаба учун дона сурди.

"А" гуруҳидаги беллашувларда умидли спортчиларимиздан бири бўлган Елена Вербова ғолиб чиқди. Кейинги совринли ўринлар Зиёвуддин Рафиқов ва Шаварш Бадалянга насиб этди. "В" гуруҳидаги баҳсларда эса кучли учликни Акбар Аббосов, Исҳоқ Тоиров ва Мафтуна Рустамова сингари шахматчилар эгаллашди.

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Олмаликда бўлиб ўтган бокс бўйича анъанавий халқаро турнирда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган 172 нафар спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди. Унда муваффақиятли иштирок этган Андижон бокс мактаби тарбияланувчилари З.Холбоев, К.Бобожонов ва О.Иброҳимов олтин медалларни қўлга киритган бўлса, қолган олтин медалларга фарғоналик М.Рўзиев, Б.Содиқов, бухоролик С.Бобоназаров, жиззахлик Б.Айтбоев, чирчиқлик Б.Йўлдошев, тошкентлик Р.Тўлаганов ҳамда Тожикистондан келган спортчи М.Каримовлар эгалик қилишди.

ИШОНЧ ОҚЛАНДИ

Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида таэквондонинг WTF йўналиши бўйича ўтказилган «Korean Open 2009» мусобақасида дунёнинг эллик тўрт мамлакатидан бир ярим минг нафарга яқин спортчилар ғолиблик учун куч синашди. Унда қатнашган мутлақ вазн тоифасидаги беллашувларда мамлакатимизнинг энг кучли таэквондочиларидан бири, яқинда Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига биноан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирланган Акмал Эргашев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг юқорисидан жой эгаллади.

Яна бир тажрибали таэквондочимиз Евгения Каримова мусобақада иккинчи ўринни эгаллади. Игорь Ли ҳамда Венера Абдураззоқова эса бронза медални қўлга киритди.

ШЕВЧЕНКО ВА "ЧЕЛСИ"



Англиянинг «Челси» футбол клуби бош мураббийи Карло Анчелотти жамоанинг 32 ёшли ҳужумчиси украиналик Андрей Шевченконинг трансфер бозори ёпилгунича клубни тарк этишини тасдиқлади.

— Жамоамизга ким келиши ҳозирча номаълум, — дейди Карло Анчелотти «Челси» клубининг расмий сайтига берган интервьюсида. — Аммо Андрей Шевченконинг бошқа клубга ўтиб кетишини аниқ биламиз.

Бу хабардан сўнг ўз навбатида футболчининг собиқ жамоаси Киевнинг "Динамо" клуби бош мураббийи Валерий Газзаев Андрей Шевченкони ўз шогирдлари орасида кўришдан хурсанд бўлишини айтиб ўтди.

ВИКТОР ХРЯПА ПОЛЬШАГА БОРАДИМИ?



Баскетбол бўйича Россия терма жамоаси сардори Виктор Хряпа жорий йилда Польшада бўлиб ўтадиган Европа чемпионатида иштирок этолмаслиги мумкин. Бунга унинг «Акрополис" кубоги учун Литвада бўлиб ўтаётган баҳсларда олган жароҳати сабаб бўлмоқда.

Шу боис Россия баскетбол федерацияси ФИБАга мурожаат қилиб, қитъанинг асосий мусобақасига терма жамоа аъзолари аризасини бироз кечиктиришга келишиб олди. Шундай қилиб, терма жамоа вакиллари Европа чемпионатининг бошқа иштирокчиларидан икки кун кейин аризаларини тақдим этишади.

Виктор Хряпанинг жароҳати хусусида айтиб ўтадиган бўлсак, шифокорлар унинг яна икки ҳафтадан сўнг машғулотларга қўшилиши мумкинлигини айтишмоқда. Агар вазият шу тусда кетадиган бўлса, баскетболчи чемпионатдаги гуруҳ учрашувларини ўтказиб юбориши ҳам мумкин.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.



HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдукаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 14.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 10494 Буюртма — Г-826 12345